Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 288 (7. 377) 1990 йил 18 декабрь, сешанба Баҳоси 3 тийин.

## ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи Съездига

Ҳурматли халқ депутатлари!

Ватан учун ҳал қилувчи мана шу пайтда КПСС Марказий Қўмитаси мамлакатимиз бошидан кечираётган ҳалокатли тамойилларни бартараф этишга қаратилган амалий қарорлар кечиктирмай қабул қилиниши зарурлигини маълум қилади. Халқ депутатларининг давлат донишмандлигини намоён этиши, гуруҳбозлик ва фракциячилик эҳтиросларидан воз кечиш — вазиятни яхшилик сари дадил ўзгартириш манфаатларини кўзлаб бунёдкорлик режаларини биргаликда ишлаб чиқиш гаровидир.

Съезд халқнинг ҳақиқий орзу-умидларига мос келадиган амалий чораларни ишлаб чиқиши жамиятимизнинг жуда катта имкониятларини, унинг моддий ресурсларини ва ақлий кучларини ҳаракатга келтириш имконини беришга аминмиз.

Совет давлати, кўп миллатли халқимиз ўз қисматига тушган синовларга неча бор бардош берган. Бугунги кунда ҳам вазиятдан чиқишнинг йўли бор. ССЖИ Олий Кенгашида Президент М. С. Горбачев ўртага қўйган тангликка қарши кечиктириб бўлмайдиган чоралар дастурини совет кишилари тушуниб ва маъқуллаб кутиб олдилар. Янги Иттифоқ шартномаси давлатимиз тузумини демократик ўзгартишларнинг сифат жиҳатидан бошқача даражасига олиб чиқади, мустақил жумҳуриятларнинг, мамлакат барча халқларининг эркин ривожланишига кенг имконият очиб беради.

Биз мухолифлик муҳитига ва самарасиз мунозараларга йўл қўймасликни, халқ ва мамлакатнинг олий манфаатлари йўлида биргаликда муҳим ҳаракатлар ва ташаббуслар учун шароит яратишни астойдил истаймиз. Коммунистлар съезд ҳокимиятнинг самарали тузилмалари ташкил этилишини қўллаб-қувватлаб, уларга зарур ваколатлар бериши, янгиланган Иттифоқ яхлитлигини қатъиян ёқлаб чиқиши ҳамда бу билан миллий тотувлик ва фуқаролик жасорати намунасини намоён этиши тарафдоридирлар.

Халқ депутатларининг Съезди самарали ишлашини тилаймиз.

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.**

## ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

МОСКВА. (ТАСС). 17 декабрь куни Кремлнинг Съездлар саройида ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съезди иш бошлади. Съездни ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов очди. 2240 халқ депутатидан съездда 1979 халқ депутати ҳозир бўлди, деб маълум қилди у.

Залда Совет Иттифоқи Гимни янграйди.

Съезд ишида ССЖИ Президенти М. С. Горбачев қатнашмоқда.

Съезд Раёсати ва Котибияти тузилди. Сўнгра халқ депутатлари съездининг кун тартиби тўғрисидаги таклифларни муҳокама қилишга ўтдилар. ССЖИ Олий Кенгаши кун тартибига саккизта масалани киритишни тавсия этди. Аввало ССЖИ Президентининг мамлакат аҳволи ҳамда вужудга келган танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги маърузасини муҳокама қилиш, янги Иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисидаги масала шу жумлага киради.

ССЖИ Конституциясига киритиладиган ўзгартишларни, умумхалқ овоз бериши (референдум) тўғрисидаги ҳамда ССЖИ халқ депутатини чақириб олиш тартиби ҳақидаги Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, ССЖИ Бош прокурорини ва Бош давлат ҳакамини тасдиқлаш, ССЖИ Олий Кенгашининг таркибини янгилаш (ротация қилиш) ҳам таклиф этилди.

Депутатлар кун тартибига тузатишлар киритишди. Муҳокама қилинганидан кейин кун тартиби тасдиқланди, қўшимча таклифларни эса умумлаштириш учун съезднинг Котибиятига топширишга қарор қилинди.

ССЖИ халқ депутатларининг Съезди ўз ишини давом эттиради.

### ТО Бугунги кун нафаси

**ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА**

⊙ Қорақалпоғистон Олий Кенгаши сессиясида Қорақалпоғистон Совет Жумҳуриятининг Ўзбекистон ССЖ таркибидаги давлат мустақиллиги тўғрисида декларация қабул қилинди.

⊙ Андижондаги Охунбобоев номли вилоят мусиқали драма ва комедия театрида Зокиржон Ҳабибий туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

⊙ ССЖИ ҳукумати 1991 йилда мудофаа харажатларини 1,8 миллиард сўмга камайтиришни таклиф этмоқда. Келгуси йилда мудофаа учун 103,8 миллиард сўм маблағ ажратилиши мақсадга мувофиқ, деб мўлжалланаяпти.

⊙ Ленинград шаҳар Кенгаши раёсати шаҳарликларнинг саломатлигига қараб, озиқ-овқат билан қўшимча таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, ҳомиладор ва чақалоғи бор оналар, 17 ёшгача бўлган бола ва ўсмирлар, қатор касалликларга чалинган беморлар ҳамма учун мўлжалланган талондан бироз кўп озиқ-овқат олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

**ХОРИЖДА**

⊙ АҚШда ракета-ядро ҳужумини олисдан туриб аниқлаш ва хабардор қилиш бўйича янги система муваффақиятли синовдан ўтди.

⊙ Ўтган якшанбадан душанбага ўтар кечаси Эронда кучли зилзила рўй берди. Унинг оқибатида 16 киши жароҳатланди, кўплаб бинолар вайрон бўлди.

Бугунги кун нафаси ТО

## ЁШЛАР МАРКАЗИ ЗИММАСИДА

**⊙ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАШИ УЧУН ҲОЗИР БИР ЯРИМ МИНГ НАФАРДАН КЎПРОҚ ОДАМ ЕТИШМАЯПТИ.**

Бу муаммони корхона учун ҳал этишни кадрлар тўплаш ва тайёрлаш ёшлар маркази ўз зиммасига олди. Бу ерда ёш ишчиларни ўқув комбинатида ўқитиш режаси ишлаб чиқилди. 60 нафар малакали тўқувчи ўриндошлик билан ўқитувчи бўлди.

Комбинатнинг комсомол комитети ҳам қўл қовуштириб турмади. У пойтахтдаги 144 ва 176-мактабларни оталиққа олди. Завод ёшлари дастлабки танишув учун юқори синф ўқувчиларини комбинат музейи ва цехларини томоша қилишга таклиф этди. Бу учрашувлар чоғида ўқувчилар тўқимачилик касбларининг ўзига хос хусусиятлари билан танишдилар.

Меҳнат жамоаларида

## ХИЗМАТЛАРИ СОЗ

**• ЎТИБ БОРАЁТГАН ҲАР КУНИМИЗ ЎЗ АҲАМИЯТИГА ЭГА. МЕН ДАСТЛАБ ШАҲРИМИЗДАГИ 2-АВТОКОМБИНАТДА КИЧИК УСТА БЎЛИБ ИШЛАГАН КЕЗЛАРИМДА ҲАЙДОВЧИ БЎЛИБ ИШЛАШНИ ОРЗУ ҚИЛАРДИМ.**

БУ НИЯТ мени тинч қўймади. Шофёрликка ўқиб, гувоҳномани олгач, шу даргоҳда ишни давом эттирдим. Шунда менга асбоб-ускуналарни созлашда устозлик қилган Абдуҳаким ака: «Исроилжон, усталик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сенда бу ишга лойиқ ўқув бор эди», деганлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Эҳтимол шундайдир, аммо...

Абдуҳаким ака Қодиров мана шу комбинатда 1967 йилдан бери ишлайдилар. У киши машинани созлаш сирларини Ҳамидулла Абдуллаевдан ўрганган. Мен яқинда Абдуҳаким ака билан суҳбатда бўлдим.

— Ҳар бир инсон нимагадир талпиниб яшайди. Мен ҳам созловчи бўлишни орзу қилардим, — дейди у. — «Чақар« маҳалламизда жуда кўплаб ҳайдовчилар бор эди. Мактабда ўқиб юрган кезларимда улардан қайси бири машинасини созлаётган бўлса, мен ўшанинг ёнида бўлардим. Эҳтимол шу сабабдан бўлса керак, бу касб мени мафтун этди. Ҳозир ишим ёмон эмас. Комбинатимизда машиналар 12 минг километр юргандан сўнг уларга 2-техник хизмати кўрсатилади. Бунда жорий созлаш ишлари амалга оширилади, яъни уларнинг энг асосий бошқарув диски алмаштирилади. Менинг бор маҳоратим ана шу жараёнда намоён бўлади. Бунда, албатта иш эҳтиёткорлик ҳамда чаққонлик билан амалга оширилиши керак. Ушбу касбни танлаганимдан сира-сира афсусланмайман. Ўтган давр мобайнида қанча-қанча шогирдлар етиштиришга муваффақ бўлдим.

Ҳа, «Дарахт бир жойда кўкаради» деб шуни айтсалар керак-да. Абдуҳаким ака камтарин ва соф виждонли инсон. Автокомбинатда бирор шофёр йўқки у киши ҳақида илиқ сўзлар айтмаган бўлса. Шогирдлари Абдураҳмон Солиҳов, Акмал Толипов, Рустам Атиметов, Анвар Ёқубов, Ёқуб Алимовлар устозларининг насиҳат ва маслаҳатларига амал қилиб созлаш сир-асрорларини қунт билан ўрганишиб, у билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда.

— Абдуҳаким ака бизларни фақат ишда эмас, оилада, кўчада ва жамоада ҳам намунали бўлишга ундайдилар, — дейди шогирди А. Солиҳов. — Ҳунар ўргатишда ҳеч эринмайдилар. Созлашнинг ҳар бир жараёнини пухта тушунтирадилар. Шундай қилмаса бўлмайди-да. Чунки бундай ишда салкам чорак аср ишлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ҳа, 2-автокомбинатда ишни шундай усулда яхши ташкил этиш учун ҳамма шарт-шароит мавжуд. Чунки бу ерда ишдан чиққан эҳтиёт қисмларни қайтадан созлаш учун токарлик ва электр цехлари мавжуд. Умуман олганда автомобилга тўла хизмат қилиш учун имконият яратилган.

**И. ҒИЁСОВ,**
**2-автокомбинат ҳайдовчиси.**



ШАҲРИМИЗДАГИ Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида кўплаб комсомол-ёшлар бригадалари ишлашади. Сиз суратда шундай жамоалардан бири мураббий ишчи Мавлуда Жўрахонова бошчилигидаги бригада аъзоларини кўриб турибсиз.

Т. Каримов сурати.



• МАҲМУДАЛИ Нуралиев 10 йилдан бери шаҳримиздаги «Октябрь инқилоби» заводида самарали меҳнат қилиб келмоқда. У ишлаётган корхонанинг темирчилик цехи жамоаси пешқадам ишчининг номини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки, М. Нуралиев ўзига топширилган барча ишларни сифатли адо этади.

В. Таматаев сурати.

## ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИДАГИ ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШУВИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

**13 ва 14 декабрь кунлари Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари бўлди. Бу мажлисларда жумҳурият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим масалалари кўриб чиқилди. Мажлисларни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов бошқарди.**

Жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш масаласи биринчи галдаги масалалар қаторида кўриб чиқилди. Вазирлар Маҳкамаси аҳволни барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқди. Жумладан, маҳсулотларнинг ўн икки тури алоҳида назорат остига олинадиган бўлди. Кундалик озиқ-овқатлардан ун, ёрма, макарон, чой, сут ва гўшт маҳсулотлари, бошқа маҳсулотлар шулар жумласига киради. Меҳнаткашларнинг манфаатларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида ва нон асосий озиқ-овқат маҳсулоти эканини назарда тутиб, Ўзбекистон ССЖ Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси 1991 йилда нон маҳсулотлари ва унинг нархи ҳатто умуман мамлакатда оширилган тақдирда ҳам уларнинг чакана нархларини оширмоқчи эмасликлари таъкидлаб ўтилди. Жумҳуриятда Ўзбекистон аҳолисини нормал таъминлаш учун етарли миқдорда дон бор. Бундан ташқари 1991 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб жумҳурият ўзини асосан Ўзбекистонда қайта ишланган ун билан таъминлашга ўтишни мўлжалламоқда. Бунинг учун ҳозир ишга тушириладиган тегирмонларда асбоб-ускуналарни созлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда, жумҳуриятнинг бир қанча вилоятларида нон-булка комбинатлари қурилмоқда.

Жумҳуриятларнинг ва вилоятларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши мамлакатнинг турли минтақалари билан бевосита шартномалар тузиш учун яхши шароит яратиб бериши мажлисда уқтириб ўтилди. 1991 йил учун дон, чорвачилик учун омухта ем етказиб бериш тўғрисидаги мана шундай шартномаларни имзолашни кечи билан 25 декабргача туғаллаш зарур, деб топилди. Бу соҳада аҳолини гўшт, тухум ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида аҳоли даромадларини индекслаш масалалари жиддий муҳокама қилинди. Бу индексларнинг самарали амал қилиши воситасини ишлаб чиқиш зарур, деб топилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг нутқида маҳсулотларнинг олиниши ва тақсимланишини жуда қаттиққўллик билан назорат қилиб туриш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Социал адолат қоидаси диққат марказида бўлиши керак.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Советининг учинчи сессияси қарорлари асосида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодий мажмуининг 1991 йилги жумҳурият бюджети ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асосий кўрсаткичларини рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий ишини ташкил этиш тўғрисидаги масала ҳар томонлама, синчиклаб муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССЖ бюджетини шакллантириш қоидалари тўғрисидаги декларацияга биноан асосий кўрсаткичлар лойиҳасида ижтимоий соҳани кучайтириш, жумҳурият ижтимоий ишлаб чиқаришини имкони борича кўпроқ жадаллаштириш ва фан-техника тараққиёти тадбирларини рўёбга чиқариш, минерал-хом ашё, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосида ижтимоий ишлаб чиқаришни ошириш суръатларини тезлаштириш кўзда тутилганлиги қайд этилди. Шунга асосланиб, лойиҳани ишлаб чиқиш чоғида асосий диққат-эътибор жумҳурият иқтисодиётини 1991 йилда ривожлантиришнинг бир қанча принципиал, муҳим вазифаларига қаратилди.

Жумҳуриятнинг «Иш билан таъминлаш» комплекс дастури диққат марказига қўйилади. Бу дастур ҳозир ишламаётган 10 минглаб кишиларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш имконини беради, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб, кафолотли маош билан таъминлана оладилар. Қишлоқ жойларда газ ва сув қувурлари тармоғини ёткизиш ишларини жадал суръатлар билан давом эттириш белгиланган. Бу ишга катта маблағ ажратилмоқда. Келгуси йилда саноат ишлаб чиқаришида туб бурилиш қилиш назарда тутилмоқда. Ўзбекистон ССЖ ҳудудида жойлашган корхоналар хом ашё етиштириб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга изчиллик билан ўтказила боради.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан барча комплекслар иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти кўрсаткичларининг лойиҳалари батафсил таҳлил этиб чиқилди. Бу кўрсаткичлар қуйидагича:

(Давоми 2-бетда).

## Тажриба алмашишмоқда

**• ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ДАРСЛАРИДА СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИШ МУМКИН? ЁКИ СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРГА ЎҚУВЧИЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК?**

Яқинда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш илмгоҳида бўлиб ўтган педагогик ўқишда бугунги куннинг ана шу баҳсли муаммолари қизғин муҳокама қилинди.

Унда Ушинский номли жумҳурият Марказий ўқитувчилар малакасини ошириш илмгоҳининг методист ўқитувчилари, Низомий номли Тошкент давлат педагогика илмгоҳи олимлари, ноҳия педагогик ўқишларининг ғолиблари ўз иш тажрибаларини бошқа ҳамкасблари билан ўртоқлашдилар. 84-ўрта мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси М. Мирҳамидовнинг «Адабиёт ўқитишнинг муаммолари», 197-мактаб ўқитувчиси Н. Ғуломованинг «Ўқитувчиларнинг бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини ошириш», 235-мактаб ўқитувчиси Б. Уллиеванинг «Мактабларда она тили ва адабиёт ўқитишда анъаналар ва ижодкорлик», 26-мактаб ўқитувчиси С. Мирабзалованинг «Она тили ва адабиёти дарсларида таълим-тарбия бирлиги» каби мавзудаги маърузалари ижодий иш тажрибаларига бойлиги учун ҳам жумҳурият педагогик ўқишларига тавсия этилди.

**Қ. ТУЛАБОЕВ.**

Меҳр-шафқатли бўлайлик

## Уюшманинг Қозоғистон бўлими

**Қозоғистонда Ўзбекистон болалар уйлари ва мактаб-интернатларида тарбияланган кишилар ҳамда ходимлар уюшмасининг Олмаота бўлими очилди. Тошкентдаги болалар уйларининг бирида тарбияланган Наримон Халилович Абутолиев бўлим раиси этиб сайланди. Бўлим уюшма дастури ва устави асосида ишлайди. Икки иттифоқдош жумҳурият болалар уйларининг иқтисодий ва маданий ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди.**

**Бу хабарни ЎзТАГ мухбири Н. Полянскаянинг илтимосига мувофиқ Ўзбекистон болалар уйлари ва мактаб-интернатларида тарбияланган кишилар ва ходимлар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Станислав Петрович Мансуров шарҳлайди.**

Тошкентликлар нима сабабдан ана шу ҳаракатнинг ташаббускорлари бўлишди, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш осон — қўшни жумҳурият пойтахтида дўстларимиз яшашади ва ишлашади, биз улар билан биргаликда Тошкентдаги болалар уйларида вояга етганмиз. Уюшмамиз таъсис этилганлиги тўғрисида эшитишлари биланоқ, улар барча ишларда бизга ёрдам бера бошладилар, уюшмага аъзо бўлиб кирдилар.

Қозоғистонда шундай ташкилот тузиш тўғрисида неча марта гап бўлди. Лекин, бу унчалик жўн иш эмаслиги маълум бўлди, чунки турли йилларда тарбияланган кишилар Қозоғистонда худди биз сингари алоқа қилишмас, бир-бирларини йўқотиб қўйишган экан. Шундай қилиб, мақсадимизни босқичма-босқич амалга оширишга қарор қилдик: аввалига у ерда бўлимимизни тузадиган бўлдик, у вақт ўтиши билан, эҳтимол мустақил жамоат ташкилотига айланиб, Қозоғистон болалар уйларида тарбияланганлар ва тарбияланаётганларнинг муаммоларини ҳал этиш вазифасини ўз зиммасига олар.

Ранг-тасвир ва графика санъати асарларининг кўргазмаси тошкентликлар ва олмаоталиклар биргаликда кўрган дастлабки тадбир бўлди. Кўргазмада фақат болалар уйларида тарбияланганлар — ветеранлар ҳам, ёшлар ҳам қатнашдилар. Биз ўз уйи ва ота-она меҳридан маҳрум бўлган бола ҳам санъат чўққиларини эгаллаши мумкинлигини ёрқин мисолларда кўрсатишни хоҳладик, тўғри улар фақат санъат соҳасидагина эмас, бошқа жабҳаларда ҳам ўзларини кўрсатишлари мумкин. Фақат мақсадга интилиш, ўзинг севган ишга бор куч-ғайратингни сарфлаш ва қийинчиликлардан чўчимаслик керак. Кўргазма Олмаота драма театрида очилди, сўнг Қозоғистон болалар уйлари бўйлаб намойиш қилина бошланди.

Очиғи, кўргазмамиз шу қадар машҳур бўлишини кутмаган эдик. Унинг довруғи узоқларга тарқалди. Кўргазмага келган кишилардан кимдир мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги дўстларига сим қоқиб, таассуротларини ўртоқлашди... Мана энди биз ленинградликлардан таклифнома олдик. Нева соҳилидаги шаҳарда «Қамал қилинган Ленинград болалари» ёшлар клуби ташкил этилган. Бу клуб бизни бир неча кун олдин кўргазма билан у ерга боришимизни таклиф этди. Минскликлар ҳам шундай илтимос билан бизга мурожаат қилишди.

Қозоғистонликлар билан ҳамкорлигимиз маданий дастур доирасидагина чекланиб қолмайди. Биз қўшма хўжалик ҳисобидаги корхоналарни туза бошладик. Бундай корхоналарнинг дастлабкиси ҳам пайдо бўлди. У болалар уйлари ва мактаб-интернатлар, маданият муассасаларида безаш маданий мувофиқлаштирувчи ишлари билан шуғулланадиган марказдир.

Ўзбекистоннинг Китоб шаҳрида ҳам қўшма «Китоб» фирмаси ташкил этилди. У аҳолининг буюртмалари асосида турли қурилиш буюмларини — ромлар, эшиклар ясайди.

Жумҳуриятимизнинг бошқа — «Буюмлар банки» корхонаси ҳам ўз фаолият доирасини кенгайтиради. Бу ерда аҳолидан болалар уйлари учун кўнгилли хайр-эҳсонларни йиғиш билан шуғулланадилар. Фирмамиз қўшни Қозоғистонда ўзига амалий ҳамкорлар қидирмоқда.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг ташкил этилиши бизга яна бир муаммони — Болалар уйларида тарбияланганларни ишга жойлаштириш муаммосини ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса бозор муносабатларига ўтилаётган, иш ўринлари қисқартирилаётган бир пайтда унчалик осон эмас. Аслида, эса, Ўзбекистон болалар уйларида тарбияланганлар учун бу муаммо ҳал қилинган.

